



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

**АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент-2021 й

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРИ, ОБЪЕКТИ ВА БАЗАСИ

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ БУ НИМА?



Айланмадан олинадиган солиқ – бу махсус солиқ режими ҳисобланиб, фаолият туридан ва олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда олинадиган солиқ.

КИМЛАР СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ҲИСОБЛанаДИ?

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 461-моддасига асосан ушбу солиқнинг тўловчилари қуйидагилар:

*солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализайия қилишдан олинган **жами даромади:***

бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юримдик шахслари;

юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган ЯТТлар.



➤ **ЮРИДИК ШАХСЛАР ДЕГАНДА:**

- 1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган корхона ташкилотлар;
- 2) чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган чет эл корхона ва ташкилотлари;
- 3) халқаро ташкилотлар.

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ТЎЛАШГА ЎТИШ ДАВРЛАРИ



Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юримдик шахслари қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш ўрнига айланмадан олинадиган солиқ тўлашни назарда тутадиган махсус солиқ режимини танлашга ҳақли.



2020 йил якуни билан жами даромадлари **1 млрд. сўмдан** ошмаган ва ихтиёрий равишда ҚҚС тўловчилари 2021йил 1 январдан бошлаб:

а) айланмадан олинадиган солиқни тўлаши;

Ёки

б) айланмадан олинадиган солиқдан воз кечиш ҳамда фойда солиғини тўлашга ўтиш ва ҚҚСни тўлашни давом этиш ҳуқуқига эга.




2021йил ё1 январдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан воз кечиб, Фойда солиғи ва ҚҚСни тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчи 2021 йилнинг 1 февралига қадар солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали хабарнома тақдим этиши шарт.



2020 йил якуни билан жами даромадлари **1 млрд. сўмдан ошмаган** 2021 йилда айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан воз кечган солиқ тўловчилар, айланмадан олинадиган солиқни тўлашга

2022 йил 1 январдан бошлаб ўтишга ҳақли.


Бунинг учун 2021 йилнинг 20 декабрига қадар солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда **хабарномани**, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали тақдим этиш шарт. Қуйида келтирилган чизмада товар обороти 1млрд.сўмдан ошган айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари томонидан ҚҚС ва Фойда солиғини тўлашга ўтиш тартиби кўрсатиб ўтилган.





Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини йилнинг ҳар қандай пайтидан бошлаб амалга оширишлари мумкин.

Агар солиқ тўловчи фаолиятини йилнинг иккинчи ярми ёки йил якунига яқин муддатларда фаолиятини амалга оширишни бошласа кейинги йилдан қандай солиқларни тўловчиси бўлиши мумкинлигини аниқлаш.



Ушбу чизмадан кўриниб турибдики янги рўйхатдан ўтган юридик шахснинг товарларни реализация қилишдан олинган даромад суммаси, 1млрд.сўмни 365га бўлганда чиқадиган суммага фаолиятни амалга оширган кунлар сонига кўпайтирилгандаги суммадан ортиқ бўлса, у ҳолда бундай шахслар рўйхатдан ўтилган йилдан кейинги йилдан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.


Вазиятли мисол:

Янги рўйхатдан ўтган юридик шхс 2019 йили охирига қадар **50 кун** фаолият кўрсатган.

Юридик шахснинг жами даромади 250 млн. сўмни ташкил этади. Корхона 2020 йилдан бошлаб қандай солиқлар тўловчиси ҳисобланади?

(Ушбу сумма 1 млрд.сўмни 365 кунга бўлиб, юридик шахсни фаолият кўрсатган кунлари (яъни 50 кун)га кўпайтириганда ҳосил бўладиган 136 986 301 сўмдан ортиқ.)

Солиқ кодексининг 462-моддасига асосан мазкур юридик шахс 2020 йил 1 январ ойидан бошлаб Фойда ва ҚҚС солиқларини тўлашга ўтади.



Солиқ кодексининг 462-моддасига асосан мазкур юридик шахс 2020 йил 1 январь ойидан бошлаб Фойда ва ҚҚС солиқларини тўлашга ўтади.




Эслатма: Товарларни импорт қилувчи юридик шахслар, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланадилар.

Бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи юридик шахслар импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнада 1 санасидан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт.

ИХТИЁРИЙ ҚҚС ВА ФОЙДА СОЛИҒИ ТўЛОВЧИЛАРИ УЧУН АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҚўЛЛАШ



Ихтиёрий ҚҚС ва Фойда солиғи тўловчилари бўлган солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқни тўлаш тартибига ўтишлари мумкин.



Вазиятли савол

Савол: Корхонамиз 2019 йилнинг 1 июлида ташкил этилган. 2019 йил якуни ва 2020 йил якунлари бўйича даромадлари 1 млрд сўмлик чегарадан ошмайди.

2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб корхона айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиши мумкинми?

Жавоб: Афсуски, ушбу корхона 2020 йил 1 июлдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўта олмайди. Корхона фақат кейинги солиқ давридан 2021 йил 1 январидан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиши мумкин.



Ушбу солиқни тўлашга ўтмоқчи бўлсангиз, 2020 йил 21 декабрдан кечиктирмай солиқ органларига билдиришнома юбориш лозим.

My.soliq.uz порталидаги «Электрон ҳисобот» таркибида кўрсатилган давр – йил охирига келиб билдиришноманинг ушбу шакли жойлаштирилади.

Айланмадан олинadиган солиқ қўйидаги солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга.



Агар Юридик шахс товарларни импорт қилса импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС ва Фойда солиғини тўлашга ўтади. (2019 йил 27 июнь, ПФ-5755-сон)

Акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахслар.



Агар юридик шахс алкоголь маҳсулотлари нефт, газ, кўмир ва бошқаларни қазиб олиш билан шуғулланганда Ушбу солиқни тўловчиси ҳисобланмайди



Юридик шахслар – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда эллик гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса.



Вазиятли мисол:

«ABC» фермер хўжалиги 50 гектар суғориладиган ер майдонига эга.

30 гектар – картошка;

20 гектар – полиз маҳсулотлари экиш учун ер ажратилган.

Бу ҳолатда фермер хўжалиги ушбу солиқ тўловчиси ҳисобланмайди.

(2019 йил 27 июнь, ПФ-5755-сон)



Бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахсларга.

Аҳолига бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи ёқилғи қўйиш шахобчалари ушбу солиқни тўловчиси ҳисобланмайди. (СК461-модда)



Лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга;

Ютуқли ўйин фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчилар ушбу солиқ тўловчиси ҳисобланмайди.

оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахсга – оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фаолият бўйича.

бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахсларга, улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда.



Хатловдан ўтказиш вақтида белгиланган муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари умумий майдонининг 50 фоизидан кўпроғидан фойдаланилмай келинган бўлса (бир бино ёки нотурар жой хонаси контури доирасида) – фойдаланилмаётган объектлар деб эътироф этилади.



Масалан: Хатлов натижаси бўйича «ABC» корхонаси ўзининг бўш турган биносидан фойдаланилмай келмоқда. Бўш турган объектга нисбатан қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

- Солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг амал қилиши тўхтатилади;

- 3 ойга қадар фойдаланилмай келса мол-мулк ва ер солиқлари- 2 баробар ҳисобланади.

- 3 ойдан 5 ойга қадар фойдаланилмай келса мол-мулк ва ер солиқлари- 5 баробар ҳисобланади.


- 6 ойдан 12 ойга қадар фойдаланилмай келса мол-мулк ва ер солиқлари- 10 баробар ҳисобланади.

8) марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахсларга. (СК 461-моддаси)

Вазиятли савол



Корхона айланмадан олинаниган солиқни тўловчиси ва жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажаради. Корхона тумандаги мактабни жорий таъмирлаш бўйича шартнома имзолади. Солиққа тортиш тартиби ўзгарадими?



Якка тартибдаги тадбиркор – Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, бироқ якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга солиқ солиш ва уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида якка тартибдаги тадбиркор сифатида қаралади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ базаси бўлиб унинг тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган жами даромади ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари юз миллион сўмгачани ташкил қилганда айланмадан олинган солиқ тўловчиси ҳисобланмайди.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари юз миллион сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари юз миллион сўмдан ошган санадан беш кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда билдиришнома юборади.

Билдиришнома кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаганда ҳам якка тартибдаги тадбиркор айланмадан олинган солиқ тўлайди.

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинган солиқни тўлаш ўрнига қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтишлари мумкин.

Солиқ даври давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг

биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузиш пайтида ўзининг якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсатаётганлигини кўрсатиб ўтиши шарт. Агар бу битимларни тузиш жараёнида битим шартларида кўрсатиб ўтилмаётган бўлса.

Солиқ солишда якка тартибдаги тадбиркорнинг жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган, унинг тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий (оилавий) мол-мулкни сотишдан олинган даромадлари ҳисобга олинмайди.



Вазиятли масала

Айланмадан солиқ тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркор:

июль ойида 60 млн.сўм

август ойида 55 млн.сўм

сентябрь ойида 65 млн.сўм товар айланмага эга.

Мазкур якка тартибдаги тадбиркорнинг иккинчи чоракдаги жами айланмаси (апрель-июнь) 180 млн. сўмга етди.

Ушбу тадбиркор III чорак учун айланмадан олинadиган солиқни қанча миқдорда тўлайди?

Ечими

60 млн.+55 млн.+65 млн.= 180 млн.сўм.

Амалга оширилган фаолият учун айланмадан олинadиган солиқни топамиз:

$180\text{млн.сўм} \times 4\% = 7,2 \text{ млн.сўм.}$

Демак ушбу якка тартибдаги тадбиркор фаолияти учун 7,2 млн.сўм солиқ тўлайди.

Қуйида келтирилган жадвалда фаолият турлари бўйича айланмадан олинadиган солиқнинг объекти кўрсатиб ўтилган¹

№	Фаолият тури	Объекти
I	Йўналишлар бўйича	
1	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун –	ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан олинган даромадлар.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 463-модда. lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2020 йил

		<p><i>Масалан: Корхонанинг таъмирлаш объекти 500 млн.сўм баҳоланди. Корхона 300млн.сўмлик ишларни ўз кучлари билан бажарди. Корхона учун солиқ объекти 300 млн.сўм. ҳисобланади</i></p>
2	Мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун –	<p>молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси</p> <p><i>Масалан корхона автомашинани лизингга берса, машинани лизингга беришдаги фоизи солиқ солиш объектидир</i></p>
3	Воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун –	<p>кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси</p> <p><i>Масалан: PAYNET хизматлари учун – олинadиган фоиз суммалари</i></p>
4	Товарларни (хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун	<p>товарларнинг (хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул берилadиган товарларга (хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди;</p>
II	Солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳам ҳисобланади:	
	Товарларни (хизматларни) қуйидагиларга:	
1	Иштирокчилар таркибидан иштирокчи чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд унинг юридик шахсдаги улуши камайтирилганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан унинг ушбу юридик шахсда иштирок	

	этиш улуши (улушнинг қисми) қайтариб сотиб олинганда;
2	Иштирокчилар таркибидан иштирокчи чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд унинг юридик шахсдаги улуши камайтирилганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан унинг ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг қисми) қайтариб сотиб олинганда;
3	Юридик шахс тугатилганда акциядорга ёки иштирокчига бериш
4	Товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш
5	Товарларни ёки бошқа мол-мулкни қайта ишлаб бериш учун бериш, агар товарлар ва (ёки) мулк қайта ишлаш маҳсулоти сифатида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса
6	Кўп марта айланадиган, сотувчига қайтарилиши шарт бўлган идишларни, агар идиш маҳсулотни шундай идишда етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса
7	Баланснинг валюта ҳисобварақларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти деб эътироф этилади.
8	Солиқ тўловчилар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлаш даврида айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтгунига қадар олинган даромадлар жами даромадга киритилмайди.

Вазиятли савол

Корхонамиз омборхоналарни ижарага беришга ихтисослашган. Ушбу фаолият турини амалга оширсак солиққа тортиш тартиби қандай?

Жавоб

Ушбу фаолият тури Солиқ Кодексининг 463-моддасига асосан айланмадан олинадиган солиқ тўловчи ҳисобланади. Солиқ Кодексининг 467-моддаси 7-бандига мувофиқ 8 фоизли ставка асосида солиққа тортилади.


Шуни ёдда тутингки, корхонанинг йил бошидан товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади 1 млрд.сўмдан ошса, бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС ва Фойда солиғини тўлашга ўтади.

Солиқ базаси – ҳисоблаб чиқарилган жами даромад солиқ базаси деб эътироф этилади. Қуйида келтирилган жадвалда солиқ базаси деб ҳисоблан-майдиган даромадлар кўрсатиб ўтилган. Улар солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг даромадлари бўйича²

№	Фаолият тури
1	Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлари
2	Солиқ агентда солиқ солиниши лозим бўлган дивидендлар
3	қайтариладиган кўп марта айланадиган тара қиймати, агар унинг қиймати илгари товарларни (хизматларни) сотишдан олинадиган даромадга киритилган бўлса;
4	амортизация қилинадиган активларни тугатишда уларни қўшимча баҳолашда олинган, олдинги нархни туширишлардаги суммадан ортиқча сумма ҳисобидан олинган даромадлар
5	ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар шакланган даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказилганлиги инобатга олинган ҳолда солиқ солинади
6	товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан кўпроғини ташкил этса

Қуйидаги чизмада солиқ солинадиган базани камайтирадиган харажатлар кўрсатиб ўтилган:



² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 462-модда. lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2020 йил



Айланмадан олинадиган солиқни тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

❖ Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади **бир миллиард сўмдан ошмаган** Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш ўрнига айланмадан олинадиган солиқ тўлашни назарда тутадиган махсус солиқ режимини танлашга ҳақли.

❖ Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари айланмадан олинадиган солиқ тўлашга навбатдаги солиқ давридан бошлаб ўтишга ҳақли.

❖ Айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, бироқ айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтилаётган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қилади.

❖ Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошганда, солиқнинг ошиб кетган суммасидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтади.

❖ Юридик шахслар айланмадан олинадиган солиқни қўллашни қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун берилган ариза ва бир вақтнинг ўзида айланмадан олинадиган солиқни тўлашни рад этишга доир ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ихтиёрий равишда рад этишга ҳақли.

❖ Қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган солиқ тўловчилар, башарти жорий солиқ даври яқунлари бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромадлари бир миллиард сўмдан ошмаган бўлса, айланмадан олинадиган солиқни тўлашга камида ўн икки ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли.

❖ Воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи солиқ тўловчилар, шу жумладан телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни реализация қилиш бўйича умумий айланмадан (битим суммаларидан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

❖ Бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар,³ уларни самарасиз фойдаланаётганлиги бўйича тегишли комиссиянинг³ хулосаси киритилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

❖ Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар, инвестицион лойиҳанинг амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса беришга ваколати бўлган ваколатли органнинг хулосаси чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

❖ Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан объектлар қурилишини (бундан жорий ва капитал таъмирлаш мустасно) бажарувчи юридик шахслар бундай қурилишга доир шартнома расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.



Солиқни тўлаш солиқ тўловчини қуйидагилардан озод этмайди:

❖ Зиммасига юклатилган солиқ агентининг мажбуриятларини бажаришдан;

❖ Ҳисобварақ-фактура тақдим этиш, харидларни ҳисобга олиш китобини ва сотишларни ҳисобга олиш китобини юритиш мажбуриятидан.

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчининг бир неча фаолият тури билан шуғулланиши агар солиқ тўловчи турли солиқ солиш объектлари ва солиқ ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар белгиланган бир неча фаолият тури билан шуғулланадиган солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши бўйича солиқни тўлаши шарт.



Солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва бюджетга тўлаш тартиблари

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар, бундан 2–14-бандларда назарда тутилганлар мустасно	4
2.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар	5

³Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 462-моддаси.

	кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	
3.	Ломбардлар	25
4.	Концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган юридик шахслар	5
5.	Брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно), шунингдек воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар, шу жумладан телекоммуникация операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар	25
6.	Суғурта агентлари, шунингдек суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар	13
7.	Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланган юридик шахслар (лизинг компаниялари бундан мустасно)	8
8.	Умумий овқатланиш корхоналари	
	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	8
	бошқа аҳоли пунктларида	6
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	4
	шундан	
	умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	75%и
9.	Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар	
9.1.	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
9.2.	жойлашган жойидан қатъи назар:	
	алкоголли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни	4

	реализация қилишдан товар айланмаси бўйича	
10.	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари (11-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	4
11.	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
12.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	товар айланмасининг 4%и ёки ялпи даромаднинг 25%и
13.	Электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар	2
14.	Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган ва умумий сонидан ногиронлар, уруш ва 1941–1945 йиллар меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлар, уруш ва 1941–1945 йиллар меҳнат fronti ветеранларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган солиқ тўловчилар	0

Умумий овқатланиш корхоналари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкалари

№	Йиллар	Солиқ ставкалари				
		Умумий овқатланиш корхоналари	Таълим муассасаларида хизмат кўрсатадиганлар	Аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп	Бошқа аҳоли пунктлари	Узоқ ва тоғли ҳудудларда жойлашганлар
1	2015-2018 йиллар	10	8			

2	2019 йил		Жойлашган жой ставкасининг 75 фоизи миқдорида	8	6	4
3	2021 йил		Жойлашган жой ставкасининг 75 фоизи миқдорида	8	6	4

**Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркиби Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 ноябрдаги 1868-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган қўшма қарорда кўрсатиб ўтилган.*

Ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил аниқланади.

Ҳисобот даври яқунлари бўйича солиқ суммаси солиқ даври бошидан ортиб борувчи яқун билан солиқ базасининг мос солиқ ставкасига фоиз улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:



ҳисобот даври яқунлари бўйича – ҳисобот давридан кейинги ойнинг **15 кунидан кечиктирмай;**

солиқ даври яқунлари бўйича – солиқ давридан кейинги даврнинг **15 февралдан кечиктирмай;**